

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ДИН МУНОСАБАТЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-414-424>

Исмаил Саифназаров

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

profis48_48@mail.ru, ORCID 0000-0002-4946-4303

Соҳибжон Умаржонов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Таянч докторанти (PhD)

fenomen1993@bk.ru, ORCID 0000-0001-7799-0426

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Ўзбекистонда диний бағрикенглик, ҳамжихатлик ва ўзаро тотувлик муҳитини яратиш ва фуқаролар орасида меҳр-оқибат туйгуларини мустаҳкамлаш ҳамда виждан эркинлиги масалалари аниқ ҳаётий мисоллар билан ёритилган. Мақолада дин ва давлат муносабатлари, мамлакатимизда турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз диний расм-русумларини эмин-эркин адo этаётган, бағрикенг диёр эканлиги ҳамда мамлакатимизнинг уибу йўналишида олиб бораётган изчил сиёсати халқимиз ва жаҳон ҳамжасамияти томонидан ҳақли равиишда эътироф этилаётгани батафсил кўрсатилган.

Калим сўзлар: бағрикенглик, ижтимоий тараққиёт, конфессия, “Қатагон сиёсати”, маърифий ислом, диний ҳуқуқлар.

ГОСУДАРСТВЕННО-РЕЛИГИОЗНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Исмаил Саифназаров

Ташкентский государственный экономический университет

Профессор кафедры «Социально-гуманитарных наук»

Ташкент / Узбекистан

Тел: +998901862005 E-mail: profis48_48@mail.ru

ORCID 0000-0002-4946-4303

Соҳибжон Умаржонов

Ташкентский государственный экономический университет

Докторант кафедры «Социально-гуманитарных наук»

Ташкент / Узбекистан

Fenomen1993@bk.ru, ORCID 0000-0001-7799-0426

АННОТАЦИЯ

В статье приведены реальные примеры создания в Узбекистане атмосферы религиозной толерантности, солидарности и взаимопонимания, укрепления чувства сострадания у граждан и свободы совести. Также справедливо признается взаимосвязь между религией и государством, мирное сосуществование и толерантность людей разных национальностей и этнических групп в нашей стране, а также подробно показана последовательная политика нашей страны в этом направлении.

Ключевые слова: толерантность, социальное развитие, деноминация, “политика репрессий”, духовный ислам, религиозные права.

STATE AND RELIGION RELATIONS IN NEW UZBEKISTAN

Ismail Saifnazarov

Tashkent State Economic University (TSEU)

Department of Social Sciences

Uzbekistan, Tashkent,

E-mail: profis48_48@mail.ru Mobil: +998901862005

ORCID 0000-0002-4946-4303

Sokhibjon Umarjonov

Tashkent State Economic University (TSEU)

Department of Social Sciences

Uzbekistan, Tashkent,

Fenomen1993@bk.ru, ORCID 0000-0001-7799-0426

ABSTRACT

The article provides real examples of creating in Uzbekistan an atmosphere of religious tolerance, solidarity and mutual understanding, strengthening the feeling of compassion among citizens and freedom of conscience. It also rightly recognizes the relationship between religion and the state, peaceful coexistence and tolerance of people of different nationalities and ethnic groups in our country, and shows in detail the consistent policy of our country in this direction.

Keywords: tolerance, social development, denomination, “Politics of repression”, didactic Islam, religious rights.

КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида мамлакатимизда маънавий

тараққиёт, миллатлар ва конфессияларо ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг дастлабки натижалари ва келгусида бу ишларни янги босқичга кўтариш учун бир неча вазифалар ва мақсадлар белгилаб олинди [1]. “Бағрикенглик тамойиллари Декларациясида таъкидланганидек, “Бағрикенглик (толерантлик) бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”[2; 92]. Жамият ҳаётида тинчлик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий- хуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадрқиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурмат руҳи қарор топишига замин яратади. “Бағрикенглик бу фуқаролик жамиятининг барча фуқароларнинг турлича бўлиш хуқуқида намоён бўладиган қадриятлари ва ижтимоий меъёрлари”[3]. Дунёдаги турли маданиятлар, цивилизациялар ва халқлар хилма-хиллигини хурмат қилишни, ташқи кўриниши, тили, эътиқоди, анъаналарига кўра фарқланувчи одамлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрликни ҳам англатади.

Диний бағрикенглик азал-азалдан ўзбек халқи менталитетининг ажралмас кисми бўлиб келган. Тарихнинг мураккаб даврларида юртимиз мусулмонлари православ христианлари ҳамда бошқа дин ва мазҳаб вакилларига меҳр-шафқат ва хайр-саҳоват кўрсатиб, беғараз ёрдам ва кўмак берганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Эътиқодлар турлича бўлган ва кўп миллатли жамиятда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувлик муҳитини яратиш ва фуқаролар орасида меҳроқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ижтимоий тараққиётга эришиш гаровидир. Бағрикенглик кенг маъноларда қўлланилади. Биз асосан диний бағрикенглик тушунчаси тўғрисида кўплаб илмий изланишлар, дала тадқиқотлар олиб борилаётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Бу соҳада дунёнинг турли нуқталарида кўплаб илмий мақолалар, китоблар нашр этиляпти. Хусусан, А.Очилдиев [4], В.В. Глебкин [5], М.П.Мчедлова [6], Ў. Ҳасанбоев [7], Арслан Чихауи [8], Мақсуда Хожиева [9], З. Ҳуснидинов [10], Э. Ибрагимов [11], Муртазаева Р.Х. [12] каби муаллифлар диний бағрикенглик, жамиятда дин ва давлат муносабатлари, инсонлар онгida бағрикенгликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш омиллари юзасидан ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб борганлар. Олдинги илмий изланишларимиз давомида ушбу мавзу юзасидан бир қанча илмий мақолалар нашр қилган эдик [13]. Ушбу мақоламиизда эса

президентимиз Ш. Мирзиёев бошчилигига мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган давлат ва дин муносабатлари, диний бағрикенглик сиёсати, халқимизни нақадар меҳмондўст, бағрикенг халқ эканлиги Президент қарорлари, турли хил қонун ҳужжатлари ва шахсий тажриба асосида мавзуни ёритишга ҳаракат қилдик.

Мазкур мақолада ўрганилаётган мавзу илмий тадқиқотнинг тарихийлик ва қиёсийлик, тадрижийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, каби мантиқий методлари асосида ёритилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз диний расм-русларини эмин-эркин адо этиб келган бағрикенг диёр сифатида қадрланади. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равища эътироф этилмоқда. Шундай даврлар ҳам бўлдики, дин қатағонга учради. Айниқса, Совет даврида одамларнинг эътиқоди “бўғиб қўйилган”, диний уламолар қатағон қилинган эди. Қатағон аввало, зиёлилар, дин хизматчилариға қарши қаратилган эди. 1937 йилнинг декабрь ойида “учлик” қарори билан ҳукм қилинган 3 минг 644 кишидан 1 минг 464 нафари имом, эшон, мулла ва бошқа диний хизматчи бўлган. Таниқли драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири, асли самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий биринчилардан бўлиб ана шу зулмкор тузум қурбонига айланди. У 18 ёшидан қозихонада мирзалик қиласи, қози, муфти даражасига кўтарилади. Яна бир таниқли уламо Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1860 — Тошкент —1957) — муфтий, шайх. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкилотчиларидан бири ва унинг биринчи раиси, муфтий. Эшон Бобохон ва унинг ўғли Зайниддинхон диний билимлар беришда айбланиб 1937 йилда ва 1941 йилларда икки маротаба ҳибсга олинган. Уламога жуда катта зулм қилинди. Ўғли Зайниддинхон Бурятияда НКВД лагерида оғир шароитларда ҳалок бўлди. Абдураҳмон Бердиалиев (1888 йили Андижан округи, Балиқчи тумани, Тумор қишлоғида туғилган, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) — босмачилик ва бошқа аксилинқилобий ҳаракатларда қатнашган, колхоз тузумига қарши тарғибот олиб борган деган тухмат билан "учлик" томонидан 1938 йил 9 февралда отувга ҳукм қилинган. Ҳайдар Ҳазратқулов (1868 йили ҳозирги Жиззах вилояти Жиззах тумани Етимтак қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом) —

аксилинқилобий миллатчи ташкилот аъзоси, аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борган, деган уйдирма билан "учлик" -нинг 1938 йил 9 феврал қарорига кўра ўн йил меҳнат-тузатиш лагерига ҳукм қилинган. Нажмиддин Иномов (1882 йили ҳозирги Наманган вилояти Наманган тумани Шўрқўрғон қишлоғида туғилган, дин хизматчisi, имом, ҳибсга олинган вақтда ишсиз) — аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борган, колхозчиларни совет ҳокимииятига қарши чиқишга тарғиб этган, деган бўхтонлар билан, "учлик" қарорига кўра 1938 йил 9 февралда отувга ҳукм қилинган. [14; 210] Бу ўринда бор-йўғи уч-тўрт нафар қатағон қурбони бўлган имомлар хақида қисқа маълумотларни келтирдик. Уларнинг барчаси кейинчалик айби йўқлиги учун оқланган.

Худосизликка асосланган тузумнинг тазииклари 1980 йилларгача давом этди. Ўтган асрнинг 80- йилларида ҳам диний урф-одатларни ошкора бажаришдан қўрқардик, ҳатто инсонлар художўйман, дейишга ҳам ботинолмаган. Зиёлилар масжидга боргани, жаноза намозларида қатнашгани учун коммунистик фирмадан ва эгаллаб турган лавозимидан ҳайдаларди.

Мустақиллик эълон қилиниб, мафкуравий занжирдан халос бўлингач, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун [15] қабул қилинди, республикамизда кўплаб масжидлар қурилиб, диний ташкилотлар тузишга рухсат берилди.

Бундай жараён тахминан янги асрнинг бошларигача давом этди. 1999, 2004 ва 2005 йилларда юртимизда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида диний экстремистик оқимларга муносабат тубдан кескинлашди. Баъзи диний гурӯҳлар ўз мақсадларидан оғиб, қонун доирасидан чиқа бошлагани ва билиб-бilmай давлат сиёсатига аралашгани боис, давлат эҳтиёт чораси сифатида назоратни янада кучайтирди.

Лекин бу кураш ҳаддан ташқари ошириб юборилди. Иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг ислом таълимотларини ўргана ва уларга амал қила бошлаган кишилар асосий таҳдид деб қабул қилинди. Мамлакат бошқарувининг сўнгги 20 йили ўта диндорликда (расман “диний экстремизм”да) гумон қилинган кишиларни тутиш ва қамоқقا тиқиши тинимсиз кампанияга айланиб кетган эди. Улар терроризмда, конституцияга зид фаолият билан шуғулланишда, ислом давлати барпо этиш режасини тузишда айбланди. Ҳатто уйидан оддий араб ёзувидаги адабиётлар чиққанлар ва оддий намозхонлар ҳам қамоқقا тиқиб қўйилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келгач, диндорларни таъкиб қилишни тўхтатди. Бундан ташқари, у диндорларнинг “қора рўйхати”ни бекор қилди, олдин қамоқقا ташланган кўплаб маҳбусларни афв этди, Қорақалпоғистондаги асосан диндорларни қамашга мўлжалланган ва шароити ўта оғир бўлган “Жаслиқ” қамоқхонасини ёпди. Айниқса, охирги йилларда мамлакатимизда динга муносабат анча либераллашганини таъкидлаш лозим. Экстремизмда айбланган 18 минг нафардан зиёд ҳамюртимиз “қора рўйхат”дан чиқарилганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Мамлакат бўйлаб биринчи марта барча босқичлардаги Қуръон мусобақалари ўтказилди. Соқол ва ҳижоб борасидаги тартиб юмшади ёки алоҳида ҳолатларда фуқароларнинг соқол қўйиши ёки ҳижоб ўрашларига қаршилик кўрсатилмади. Тошкентда илк марта Қуръони Каримнинг хусусий нашриётда чоп этилишига рухсат берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та конфессияга мансуб 2277 та диний ташкилот фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 2094 тасини исломий диний ташкилотлар, шу жумладан, 2067 тасини масжидлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда 66 та христиан диний ташкилоти, 8 та яхудий ва 6 та баҳоий жамоалари, биттадан кришначилар жамияти ва буддавийлар ибодатхонаси ҳамда конфессиялараро Ўзбекистон Библия жамияти фаолият юритмоқда. Республикаизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, 9 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар билим юрти, Тошкент православ диний семинарияси, Тошкент протестант семинарияси каби ўқув муассасалари мавжуд.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий ҳамда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган. Вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасаввуф илми мактаблари очилган. Шунингдек, Ўзбекистон тўлиқ Инжил христианлари маркази, Ўзбекистон Инжил христиан-баптистлар черковлари иттифоқи фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Диншунослик”, “Фикҳ”, “Қуръон”, “Ҳадис” каби янги диний мутахассисликлар бўйича ўқув режаси жорий этилди. Академияда диний таълим соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида “Қуръоншунослик ва ҳадисшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослик”, “Ақида” каби кафедралар очилди.

Диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, бекиёс ахлоқий-тарбиявий қудрати, шунингдек, инсонларни камтаринлик,

камсуқумлик, ҳалоллик ва покликка ундовчи қадриятлари миллий қадриятлар қаторида қонунан тан олинди.

Дин ҳар қандай миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувларни қаттиқ қоралайди, турли дин ва миллатдаги одамларни ўзаро биродар, ахил бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришга даъват этади.

Мисол тариқасида айтиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчилар барча диний байрамларни эркин нишонламоқдалар. Йилдан йилга мусулмонларнинг Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, христианларнинг Пасха ва Рождество, яхудийларнинг Пасха, Пурим ва Ханука байрамлари кенг кўламда нишонланмоқда. Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳар томонлама қўмаги орқали мусулмонлар Ҳаж ва Умра амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига, христианларни Россия, Грецияга, яхудийлар эса Исройлга зиёратга юборилмоқда. Авваллари фуқароларимиз Умра сафарига бориш учун йиллаб навбат кутишар, турли хил бошқа йўллар билан бориш имкониятларини қидиришар эди.

Энди юртимиз фуқароларининг муқаддас зиёратга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида жамоатчилик кенгаши қарори асосида Умра сафарига борувчи зиёратчиларнинг сонини белгилаш бўйича (квота) чекловлар олиб ташланди. Илгариги тартибга кўра, «Умра» сафарига бориши мумкин бўлган зиёратчилар квотаси ҳар йили ўн минг киши этиб белгиланган эди.

Шунингдек, давлат томонидан ҳар бир конфессия билан ўзаро муносабатлари қуидаги тамойилларига асосланади: диний туйғуларни ҳурмат қилиш; диний эътиқодни фуқароларнинг шахсий эҳтиёжи сифатида эътироф этиш; диндан ғайриқонуний мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланишга йўл қўймаслик; фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслигидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик.

Мазкур тамойиллар асосида эса давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, шунингдек диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-куватлади [16;1061].

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳозирги кунда ҳалок бўлган ёки Сурияда қочқинлар лагерларида бўлган ўзбек “жиходчилари”нинг аёллари ва фарзандларини ватанга қайтариш борасидаги ишлари оммавий қатағонлар қайтмаслигининг исботи ҳисобланади. Бу инсонпарварлик ва рамзий белги

бўлиб, муроса даври келганини ҳамда аввалги зўравонликларнинг тугаганини англатади.

Диний эркинликлар берилганини халқаро ҳамжамият ҳам тан олди. Ўзбекистон диний эркинлик бўйича маҳсус кузатувдаги давлатлар сафидан чиқарилди. Чунки ўтган бир неча йил мобайнида мамлакатда фуқароларнинг эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича аниқ ва амалий чоралар кўрилди.

Давлатимиз динни ҳамиша ижтимоий маданиятнинг ажралмас ва муҳим бўлаги сифатида қабул қилган. Дин халқ маънавиятини озиқлантирувчи чашмадир. Лекин у сиёсийлашмаслиги ва сиёsatга аралашмаслиги керак. Ўзбекистон қонунчилигига дин давлатдан ажратилгани белгилаб қўйилган. Юртимизда диний ёки этник моҳиятдаги сиёсий партия ҳамда жамоат ҳаракатларини тузишга ҳам йўл қўйилмайди.

Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хукуқига эга. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳам акс этган [17]. Умуман олганда, диний эътиқод эркинлиги гуманистик маданиятнинг энг буюк ютуғи ҳисобланади. Бу тушунча инсон диндан мутлақо юз ўғириши мумкинлигини англашмайди. Ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хукуқини биз “виждон эркинлиги” тушунчаси билан ифодалаймиз. Ҳозир у барча дунёвий давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам амалда. Бироқ виждон эркинлиги никоби остида террористик ёки экстремистик қарашларни тарғиб қилиш ҳамиша қаттиқ қораланган. Дарвоқе, 2018 йилда юртимизда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун [18] қабул қилинганини эслатмоқчимиз. Ҳужжатда “экстремизм”, “тероризм”, “радикализм” тушунчаларига таъриф берилган. Бу жуда муҳим. Сабаби уларни фарқламаслик ёки турлича талқин қилиш глобал иллатларга қарши курашишни қийинлаштиради.

Биз азалдан бағрикенг халқмиз. Тарихга назар ташланг. Қадимда Хитой, Ҳиндистон, Европа, Эрондан келувчи савдо карvonлари Буюк ипак йўли орқали юртимиз ҳудудини кечиб ўтган. Ўша вақтда карvonсаройларимиз ҳақиқий бағрикенглик ўчоқларига айланганди. Ҳозир ҳам Ўзбекистонда ўнлаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшамоқда. Бошқа мамлакатлардаги ўзбек диаспоралари билан алоқалар мустаҳкамланяпти. Хориждаги ватандошларимиз иштирокида турли халқаро анжуман ва симпозиумлар ташкил қилинмоқда. Охирги йилларда ислом мамлакатлари билан ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг маърифий исломни тиклаш ва тарғиб этиш, бу бўйича бебаҳо илмий асарлар яратган буюк мутафаккир

боболаримиз меросини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга доир ташабbusлари халқаро жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олингани беҳад қувонарли ҳол. Маърифий ислом бўйича Ўзбекистон дунёга ибрат бўлишига ишонамиз.

Сўнгти вақтларда диний ҳуқуқлар кенгайиши ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳа, бу борада баъзи ишлар қилинди ва қилинмоқда. Исломий-маърифий марказлар, янги-янги масжидлар очилиши шулар жумласидан. Аммо, ҳал этилиши муҳим бўлган яна бир қатор муаммолар турибди. Айниқса, қонун устуворлиги масаласида. Ижтимоий тармоқларда динийлик ва дунёвийлик ҳақидаги баҳслар одатий тус олган. Уларда кўпинча ҳар икки томон бир-бирини тоқатсизликда айблаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозирча бу муаммолар нисбатан “безиён” масалалар - Наврӯз ёки Янги йил байрамини нишонлаш, аёллар кийими (ҳижоби ёки мини юбкаси), эркаклар соқоли устида боряпти. Аммо шу “безиён” тортишувлар эрта бир кун жанговар қиёфа касб этмаслигига ким кафолат бера олади? Томонлар бир-бирини айблашга ўтса, муаммо янада чуқурлашмайдими? Демак, вазият таранглашишининг олдини олиш учун ўзаро тушунишга асосланган мулокот ва муроса лозим.

Дин ҳар бир кишининг шахсий иши бўлмоғи шарт, динга мажбурлаш йўқлиги принципига ҳар бир киши қатъий риоя этмоғи зарур. Диний бағрикенглик маданияти оила, мактабгача таълим, мактаб таълими ва ниҳоят олий таълимда шакллантирилади, таълим тизими қанчалик дунёвий билимларни чуқур ўргатиб борар экан, ёшларимиз дунёқарashi ҳам кенг, кўп ҳаётий масалаларда ўзининг мустақил позициясини аниқ ифода эта оладиган бўлади.

ХУЛОСА

Сўзимиз охирида фан ва таълим соҳасида 50 йиллик тажрибага эга инсон сифатида айтмоқчиманки, бугунги ёшларимиз радикал ёшлар эмас. Динни ва дунёвий ҳаётни бирдек олиб бораётган авлод. Олий таълим даргоҳларида берилаётган таълим бежиз кетмаяпти. Ўтган қисқа давр ичida жамиятимизнинг бош мезони маънавият ҳамда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосида бекиёс ўзгаришлар бўлди. Бу ижобий ўзгариш барча жабҳаларда, жумладан, динимиз соҳасида ҳам имкониятларнинг тожига айланди. Халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларимизнинг ёт оқимлар таъсирига тушишининг олдини олиш, уларни илм-

фанга рағбатлантириш, юксак ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш бундан кейин ҳам изчиллик билан олиб борилиши бизни тараққиётга элтади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”-2021. 464 Б.
2. Бағрикенгик тамойиллари Декларацияси. // ЮНЕСКО Халқаро меъёрий хужжатлари. Т.: Адолат, 2004.
3. Синягина В. Будет уважать друг друга не только в Международном день толерантности. // Новый век. №48. 24 ноября 2005 г.
4. Очилдиев, А. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2007. – 132 б.
5. Глебкин, В.В. На пути к толерантному сознанию. – М.: Смысл, 2000. – С. 255.
6. Мчедлова, М.П. Толерантность. – М.: Республика, 2004. – 416 с.
7. Ҳасанбоев, Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул мухаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. - 552 б.
8. Арслан Чихауи. Исламизм: между насилием и демократией. // Государство и религия в странах с мусульманским населением. Под ред. З.И.Мунавварова и Р.И.Крумм. -Т., 2004.
9. Мақсада Ҳожиева. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. Т.: “Fan va texnologiya”, 2010.
10. Ҳуснидинов, З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари. – Т.: 2000.
11. Ибрагимов, Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. – Т.: 2010.
12. Муртазаева, Р.Х. Межнациональное согласие в Узбекистане и толерантность: взгляд сквозь призму веков. Ответств. ред. Ташкент: Тигоп-Iqbol, 2018. 128 с.
13. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853. // Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлараро ҳамжиҳатлик - ижтимоий

барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б. // Саифназаров, И. (2019). Толерантлик—комил инсон белгиси. Архив научных исследований.

14. Shamsuddinov Rustambek. 1937–1938 yillarda qatag‘on qilingan andijonliklarning hasratli qissasi. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 268 b.

15. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, 05.07.2021 йилдаги ЎРҚ-699-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

<https://lex.uz/docs/5491534>

16. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyoning “Latoif ulg’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/acts/20596>

18. “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/docs/3841957>

19. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyoning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.